



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажакни буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 6 октябрь, № 198 (4351)

Шанба

МДХ: ДУШАНБЕ САММИТИ

Душанбе, 5 октябрь. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Тожикистон Республикаси пойтахтида ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

МДХга аъзо мамлакатлар бир-бирини яхши билади, сиёсий ва гуманитар ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаган. Айниқса, иқтисодий соҳасида ўзаро ишончли ҳамкорлар ҳисобланади.

Ҳамдўстликнинг саммитларида, биринчи навбатда, МДХни ислоҳ қилиш масаласи муҳокама қилинди. Бу масала кун тартибидан тушмай келаётганига сабаб мазкур тузилмани ҳозирги доирадан кенгрок даражага кўтариш зарурати. У аънавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни сақлаб қолиш мақсадида тузилган эди. Энди эса халқаро муносабатларнинг янги асосдаги тамойилларига мослашиш керак.

Эндиликда унга аъзо мамлакатларнинг ҳамкорлиги уларнинг аънавий дўстлигига асосланган ҳолда, ишончли ва ўзаро манфаатли иқтисодий шерикликка ҳам таянмоғи даркор.

Шу билан бирга, МДХни ислоҳ қилиш масаласи кун тартибидан тушмай келаётгани ва ислоҳот зарурати борасида барча аъзо давлатлар ҳам-



КАРИМОВ

фикр эканлиги Ҳамдўстликнинг роли сусайиб бораётганидан эмас, аксинча, муайян тараққиёт босқичига эришганидан далolatдир.

Шуларнинг барчасини инобатга олиб, 2006 йил ноябрь ойида ўтган Минск саммитида МДХ Ижроия кўмитасига Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланган Давлатлараро ишчи гуруҳини ташкил этиш ва унга мазкур концепцияни ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Жорий йилнинг июнида бўлган Санкт-Петербург саммитида эса мазкур концепцияни тайёрлаш жараёни кўриб чиқилди.

Душанбе саммити президенти раҳбарлигидаги

учрашувидан бошланди. Унда Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш, унинг ижро органлари фаолиятини такомиллаштириш, интеграция жараёнини жадаллаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, МДХни ислоҳ қилиш концепцияси ҳамда Уни ҳаётга татбиқ этишга доир асосий чора-тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Ушбу масалалар муҳокама-си давлат раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳам давом эттирилди. Давлатлараро ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган мазкур ҳужжатлар лойиҳасида Ҳамдўстликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилангани таъкидланди.

Интеграция хавфсизлиги ва барқарорлиги мустаҳкамлаш масалалари билан узвий боғлиқдир. Товарлар ва хизматларнинг, сармоя ва ишчи кучининг ҳаракатини назорат қилиш учун ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар билан бир қаторда божхона ва чегара хизматларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарур.

Саммитда терроризм, экстремизм ва жиноятчиликка, жинсий йўл билан орттирилган даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айлинишига қарши курашда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш бўйича дастур

ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида куйидаги ҳужжатлар имзоланди: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини янада ривожлантириш концепцияси ва Уни амалга оширишнинг асосий тадбирлар режаси, Жиноятчиликка қарши ҳамкорликда курашиш бўйича чора-тадбирларнинг 2008-2010 йилларга мўлжалланган давлатлараро дастури, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айлинишига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган дастури, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг терроризмга ва экстремизмнинг бошқа таъжовубкорона кўришиларига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган дастури, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг ўғирлинишига қарши кураш ва уларнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар.

Саммит якунлари бўйича ўтказилган матбуот анжуманида кўриб чиқилган масалалар юзасидан журналистларга ахборот берилди.

Душанбе саммити Ҳамдўстликнинг аҳамияти ортиб бораётгани ва у қарамган минтақада интеграция жараёни мустаҳкамланаётганини яна бир бор намоён қилди.

Душанбе шаҳрида 6 октябрь кунини Евроосий иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлиси ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси бўлиши мўлжалланган.

А. Тўраев (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 5 октябрь кунини навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Мажлисни Марказий сайлов комиссиясининг Раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Унда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи куйидаги сайлов округлари тузилсин:

1 - Қорақалпоғистон сайлов округи
Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг биноси, Нукус шаҳри, Унгал Татибоев кўчаси, 11-уй. Сайловчилар сони — 960,0 минг киши.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2 - Тошкент шаҳар сайлов округи
Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — Тошкент шаҳар бинолардан фойдаланиш департаменти биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 14-уй. Сайловчилар сони — 1531,4 минг киши.

Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

3 - Андижон сайлов округи
Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй. Сайловчилар сони — 1485,1 минг киши.

Андижон вилояти чегараси доирасида.

4 - Бухоро сайлов округи
Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят маънавият тарғибот бўлими биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 6-уй. Сайловчилар сони — 972,3 минг киши.

Бухоро вилояти чегараси доирасида.

5 - Жиззах сайлов округи
Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят маънавият тарғибот бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳқўчаси, 70-уй. Сайловчилар сони — 609,8 минг киши.

Жиззах вилояти чегараси доирасида.

6 - Навоий сайлов округи
Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — «Фарход» маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси, 67-уй. Сайловчилар сони — 514,7 минг киши.

Навоий вилояти чегараси доирасида.

7 - Наманган сайлов округи
Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Миллий сугурта компанияси вилоят бўлими биноси, Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 3-уй. Сайловчилар сони — 1283,1 минг киши.

Наманган вилояти чегараси доирасида.

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИДОР ЭГАЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури" танловининг 2007-2008 ўқув йили ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур танлов "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармалари томонидан шу йилнинг апрель ойида эълон қилинган эди. Аънамага кўра, унда мамлакатимиз олий ўқув юр்தларининг 3-4-курсда таҳсил олаётган талабалар қатнашди.

— Бу йилги танловга республикамиз олий ўқув юр்தлари талабаларидан 1153 та ариза қабул қилинди, — дейди биз билан суҳбатда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази раҳбари Баҳодир Шаропов. — Энг яхши анкеталар ҳақамилар бўлиб, 218 нафар номзод Дастурнинг иқтисодиёт босқичига, яъни, суҳбат жараёнига тақлиф этилди. Танловда талабаларнинг ғолиблари, уларга билдирилган тавсияномалар, фанларни ўзлаштириш даражаси ҳамда ижтимоий аҳоли асосий мезон қилиб олинди. Ҳайат аъзолари йигит-қизларнинг ўқийдиган юр்தлари, жамоат ишларидаги фаол иштироки, иқтисодий салоҳияти, танлаган касбига содиқлиги, етакчилик қобилиятини алоҳида ҳисобга олдилар. Танлов яку-

нига кўра, 100 нафар энг иқтидорли талаба стипендияга муносиб, деб топилди.

Маросимда сўз олган ҳажмларнинг таъкидлашича, жорий йилда вилоятлик талабаларнинг илмий кўрсаткичи юқори бўлди. Бу эса, жамғарма томонидан ташкиллаштирилган "Келажак овози", "Таълим грантлари дастури", "Янги авлод" болалар ижодий фестивали, "Навқирон Ўзбекистон" каби қатор лойиҳалар ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ўз танлаган соҳа бўйича етук мутахассис бўлиб етишишларида қанот вазифасини ўтаётгангандан далolat беради.

Танлов

— "Иқтидорли талабалар стипендиялари дастури"нинг ғолиби бўлганидан жуда журсандман, — дейди кувончдан тўлиб-тошган Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси Азиз Шохқасимов. — Ушбу мукофотни биз ёшларга берилаётган алоҳида эътибор, ғамхўрликнинг бир кўриниши, деб биламан. Бу рағбат менга юртимиз санъатини ҳақон-



га танитиш йўлида мисли қанот вазифасини ўтайди. — 2005 йилда "Келажак овози" Республика танловининг "Меъморчилик ва дизайн" йўналиши бўйича совриндор бўлгандим, — дейди Гулистон Давлат университетини педагогика факультети талабаси Хуршида Каримжоновна. — Энди стипендия ғолиби бўлдим. Бунга муносиб бўлишга ва уни оқлашга ҳаракат қиламан. Ҳозир дизайн йўналишида ўз иқдомимни на-

мойиш этиш мақсадида тинчмасиз изланишданман. Мен яратган либосларда миллийлик ва замонавийлик уйғунлашиб кетган. Тадбирда "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури" ғолиблари дипломлар топширилди. Санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури кечага ўзгача бир файз бағишлади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Корхона иш бошлади

2000 йиллик юбилейини тантанали равишда қадимий ва навқирон Марғилон шаҳрида Туркия ишбилармонлари сармояси асосида «Ориштехстек» тикуччилик корхонаси иш бошлади.

— Корхонамизда ишлаб чиқариш жараёни бутунлай компьютерлаштирилган бўлиб, 300 га яқин йигит-қиз иш билан таъмин-

ланди, — дейди корхона раҳбари Фуат Эм. — Замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳ ва ускуналаридан эрақлар ҳамда аёллар

кийимлари, ошхона, шунингдек, ётоқхона жиҳозларининг 100 га яқин тури ишлаб чиқарилапти. Йилга 4 миллион АҚШ долларлик маҳсулот Япония, Хитой, Польша, Италия ва Туркия сингари давлатларга экспорт қилинади.

М. МАХМУДОВ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁХЛИК САЛОҲИЯТИ ДУНЁ НИГОҲИДА

Мамлакатимиз вакиллари ҳам бир неча йилдан буюн "Топ Реза" кўргазмасида қатнашиб келишмоқда. Утган йиллардаги қараганда, сезиларли даражада кўп компания ва сайёхлик агентликлари иштирок этган бу галги анжуман иштирокчилари орасида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, шунингдек, мамлакатимизнинг қатор сайёхлик агентликлари бор эди.

Таъкидлаш керакики, Ўзбекистон экспозицияси мамлакатимизнинг кўна маданияти, диққатга сазовор масканлари ва хордиқ чиқариш ҳудудлари билан таништириш, сайёхлик соҳасида шериклик муносабатларини ўрнатилиш истагида бўлган кўп сонли меҳмонлар ва сайёхлик бизнесининг вакиллари эътиборини ўзига жалб этди. Ўзбек усталарининг халқ амалии ва ҳунармандчилик санъати намуналари, шунингдек, мамлакатимиз сайёхлик салохиятини намойиш этадиган ахборот-реклама маҳсулотлари, плакатлар, буклетлар, каталоглар анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уюлди.



Юртимиз муслика санъати вакиллари чикишлари, доира ва сурнай наволари остида ижро этилган жўшқун миллий рақслар Ўзбекистоннинг сайёхлик салохияти тақдиротига алоҳида шўҳр бағишлади. Францининг "Ikar" сайёхлик агентлиги бош директори Антуан Поко Ўзбекистон экспозицияси ҳақида ўз таассуротларини ўртоқлашар экан, жумладан, шундай деди:


— Кўргазма чоғида Ўзбекистон компаниялари тақлиф этган янги сайёхлик хизматлари, саёхатлар ва дам олишнинг ҳурли шакллари юртингизда катта салохиятли сайёхлик тузилмаларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратилаётганидан далolat беради.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Талабаларга электрон дарсликлар

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессор-ўқитувчилари тайёрлаган 64 та электрон ахборот таълим ресурслари «Ziyo NET» тармоғига уланди.



Шундай қилиб, бу ерда амалга оширилган долзарб тадқиқотлар натижалари бутун мамлакат илмий жамоатчилиги мулкига айланди.

Ҳозирги кунда ўқув жараёнида 300 та компьютердан фойдаланиётган бўлса, уларнинг 156 таси интернет тизимига уланди. Сўнгги беш йил ичида институт олимлари томонидан 80 та электрон дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. 300 та маъруза матнининг электрон варианты тайёрланди. Талабалар бошқа олий ўқув юрталарида тайёрланган 2 мингдан ортиқ электрон маъруза матнларидан ҳам фойдаланмоқдалар.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ақтуба»нинг пишлоғи

Кегейли туманида кичик бизнеснинг қирқ бир қиррасини эгаллаган аёллар сони тобора ортиб бормоқда. «Ақтуба» фермер хўжалиги раҳбари Анар Нуруллаева — шулардан бири.

Фақат сут билан қаймоқ сотиш бугунги кун мулкдорининг иши эмаслигини чуқур тушушган бу фермер яқинда бир кеча-кундузда 500 литр сутни қайта ишлайдиган мини-заводни ишга туширди. Эндиликда бир неча хил сут маҳсулотлари, жумладан, «Ақтуба» пишлоғи Кегейли ва Нукус бозорларига жўнатилмоқда.

Я. КҮЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қоракўлдан — тайёр маҳсулот

Конимех туманидаги «Сарибел» қоракўлчилик ширкат хўжалигида қарий 70 минг бош қўй-қўзи, тўя ва йилқи боқилади. Хўжаликда етиштирилаётган қоракўл тери ва жун, асосан, хорижга экспорт қилинмоқда.

Беш йил илгари хўжалик худудида «Сарибел» — Диямет — қоракўл — Россия қўшма корхонаси иш бошлаган эди. Корхонада қайта ишланаётган маҳсулотлар асосан Россия ва МДҲ мамлакатларига етказиб берилмоқда.

Ҳозирча Навосибирск шаҳридаги савдо уйимиз орқали ўн минг донга қоракўл тери сотдик, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Ҳасанбой Қўенов. — Келгуси йилдан бошлаб қоракўл тери ва жундан тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Ё. УМАР, ЎЗА мухбири.

Орзулари улугвор

Жарқўрган туманининг бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, оқсоқоллари яқинда «Аср мўъжизаси», деб эътироф этилган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган» темир йўлини ва Тўпаланг гидростанциясини бориб кўришди.

Йўлакчи, воҳада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар, фермерлар билан суҳбатлашди.

Саксонинчи йилларда раҳбар бўлиб ишлаганман, — дейди Бахтиёр бобо Абдуллаев. — Энди билсам, ўша пайтлар биз оғвими остидаги юмушлар билан ўралашиб юрареворган эканмиз. Истиқлол туфайли кадримиз тикланди, ўзлимизни англадик. Ҳозир амалга оширилаётган ишларни кўриб, завқинг тошди. Кейинги ўн олтти йил ичида Ўзбекистон қайта тугилди. Юз йиллик шонли йилни босиб ўтди. Ортдошларимизнинг қайфиятини айтинг, режа, орзулари қилаётган ишларидан-да улугвор.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эски заводнинг қуввати ошди

Сайхунбод туманида бир мавсумда 50 минг тонна пахта хом ашёсини қайта ишлайдиган заводни реконструкция қилиш ишлари якунланди.

Бу юмушни «Давр-саноаттаъминот» қурилиш фирмаси амалга оширди. Шу мақсадда жами бир миллиард саккиз юз қирқ саккиз миллион сўм маблағ сарфланди.

ти аввалгисидан анча юқори, — дейди завод директори Эркин Ҳақимов. — Бу кўрсаткичдан нафақат жамоамиз, балки деҳқонларимиз ҳам манфаатдордирлар.

А. ХОНИҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Интернатларга — автобуслар

Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастурига биноан, Жиззах вилоятидаги Меҳрибонлик йилари ва махсус мактаб-интернатларга автобуслар берилди.

Уларнинг умумий қиймати 200 миллион сўми ташкил этади.

Самарқанд автомобил заводидида япониялик муҳассислар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган «SUZU» автобуслари ҳар томонлама қулайлиги, шаҳар-қишлоқ йулларига мослаштирилганлиги билан интернат мактаблари тар-

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

8 - Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 2-уй. Сайловчилар сони — 1724,3 минг киши.

Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

9 - Сирдарё сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 60-уй. Сайловчилар сони — 409,5 минг киши.

Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

10 - Сурхондарё сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — «Сурхонэлектртармоқлари» корхонаси биноси, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 10-уй. Сайловчилар сони — 1107,5 минг киши.

Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

11 - Тошкент вилояти сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят молчи бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 15-уй. Сайловчилар сони — 1597,2 минг киши.

Тошкент вилояти чегараси доирасида.

12 - Фарғона сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти бўлими биноси, Фарғона шаҳри, Турсун Қамбаров кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони — 1803,6 минг киши.

Фарғона вилояти чегараси доирасида.

13 - Хоразм сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят маданият бошқармаси биноси, Ал-Хоразмий кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони — 894,7 минг киши.

Хоразм вилояти чегараси доирасида.

14 - Қашқадарё сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — «Ўзгеобурғунейтгаз» акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй. Сайловчилар сони — 1404,2 минг киши.


Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

II. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси **М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 5 октябрь

Бунда ёшлар топади камол



Кейинги йилларда ёш авлодни она юрtega муҳаббат, Истиқлол ғоялари-га садоқат руҳида тарбиялаш, уларни соғом ва баркамол қилиб волега етказиш, шунингдек, замонавий касб-хунар сирларини ўргатиш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Муҳими, улар амалда ўз самарасини бераётган.



Яқинда қуриб, фойдаланишга топширилган Турақўрган тумани Қатағон-сарой қишлоғидаги педагогика коллежида 600 нафарга яқин ўқувчи бошланғич таълим, мактабгача ва оилавий таълим, мактаб ва сифдан ташқари ишлар, жисмоний тарбия ва болалар спорти йўналиши бўйича илм ҳамда касб сирларини ўргатишмоқда. Эътиборлиси, мазкур ўқув даргоҳида ёшларнинг тўқсиз билим олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Бундан ташқари қишлоғида педагогика каби тўғрисканларда ўқувчилар таърибли му-тахассислардан сабоқ олишмоқда.

СУРАТЛАРДА: коллежнинг ташқи кўрилиши; ўқиб-ўрганиш учун яратилган шарт-шароитдан ёшлар мамнун.

Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.

ШАРАФ ВА БУРЧ

Президентимизнинг шу йил 29 августда қабул қилинган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белги-ланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йилнинг пунктида қақирилувчиларнинг навбатдаги гуруҳи ҳарбий хизматга қузатилди.

Шу муносабат билан ўтган тадбирда вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғар-маси вилоят бўлими вакиллари билан ўта-оналар иштирок этди. Унда сўзга чиқ-қанлар мамлакатимиз Қурол-ли Кучлари сафига ҳар то-монлама соғлом йиғитлар

жалб қилинаётгани, Юртбо-шимиз раҳнамолигида Ва-тан ҳимоячиларига ғамхўрлик қўрсатилаётгани ва ёшлар-нинг жисмонан бақувват, маънан етук бўлиб улғайи-шига катта эътибор қаратила-ётганини таъкидладилар.

— Президентимизнинг яқинда эълон қилинган му-датли ҳарбий хизматни ўта-ётган ҳарбий хизматчилар-нинг лавозим машоарини оширишга доир Фармони ҳам ҳарбий хизматнинг обрў-эътиборини янада кўтариш, Ватан олдида муқаддас бур-чини ўтаётган ҳарбийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларнинг жан-говар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини кўчатиришга хизмат қилади, — дейди қар-шиллик захирдаги ҳарбий хиз-матчи Султонназар Фойибов.

— Ёшларнинг бу соҳага қизи-қиши тобора ошиб бормоқ-да. Фарзандларим изиндан бориб, ҳарбийликни танламоқ-да. Мана, учинчи ўғлим Ферузбек ҳам хизматга

отланди. Уни бўлажак Ватан ҳимоячилари орасида кўриб гурурландим.

Қақирув комиссияларида бўлажак аскарларнинг жис-моний тайёргарлиги билан бирга, уларнинг руҳий хола-ти, интеллектуал қобилияти ҳам пухта синовдан ўтказил-моқда.

— Бу жараён профессио-нал армияни шакллантириш ижтимоий муҳим омилли ҳисобла-нади, — дейди Қашқадарё ви-лояти мудофаа ишлари бош-қармаси бошлиғи Мунаввар Эгамназаров. — Шунинг учун иродали, жисмонан ва руҳан соғлом, салоҳиятли, дунё-қарши кенг ёшлар ҳарбий хизматга қабул қилинмоқда.

А. МУҲАММАДИЕВ, ЎЗА мухбири.

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

— Сайлов округлари ва округ сайлов комиссияларини тузиш қандай амалга оширилади?

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини Марказий сайлов комиссияси Қоракўлпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатларини сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қарда жойлашганлигини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида камиди етмиш беш кун қолганида эълон қилади.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камиди етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камиди 6-8 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 15-моддалари).

— Сийсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби қандай бўлади?

— ...Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сийсий партияларнинг юқори органлари томонидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилиши томонидан амалга оширилади.

Сийсий партиянинг юқори органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биттадан номзод кўрсатиши мумкин.

Сийсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясини номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир, сайловчилар ташаббускор гуруҳи эса Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни, башарти мазкур номзод ў ёки бу сийсий партияга мансуб бўлмаса, кўрсатишга ҳақлидир. Номзод фақат битта сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ўз номзоди овозга қўйилишига розилик бериши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

Сийсий партиянинг раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади...

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази билан ҳамкорликда тайёрланди.

САЙЛОВЧИЛАР ТАШАБУСКОР ГУРУҲИ ЙИГИЛИШИ

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Президентликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига нафақат мамлакатда фаолият юритаётган сийсий партиялар, балки бевосита фуқаролар ҳам эгадир. Улар ўзларининг ушбу ҳуқуқини сайловчилар ташаббускор гуруҳларини тузиш орқали амалга ошириши мумкин.

Тошкентда 5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш бўйича сайловчилар ташаббускор гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда аҳолининг турли қатламлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, 2007 йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик қурилиш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнининг ажралмас ва муҳим таркибий қисмидир. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашуви бевосита унинг натижалари билан боғлиқ. Шу сабабли Президентликка номзод кўрсатишда ижтимоий гуруҳлар ва умуман, аҳолининг манфаатларини ифодолувчи сийсий партиялар билан бир қаторда, алоҳида номзодларнинг ижтимоий, сийсий ўзгаришларга доир дастурларини қўллаб-қувватловчи фуқаролар ҳам бевосита иштирок этади.

Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Ақмал Саидовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилинди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ДУНЁ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Франциялик сайёҳлар учун Ўзбекистон бўйлаб ташкил этилган турли маданий-таниш-тирув сафарлари чоғида биз мамлакатингизда нобъ мезморий ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилаётганига, чет эл сайёҳлари Ўзбекистонга янада кўпроқ жалб этиш мақсадида меҳмонхона тармоқлари, сайёҳлик мажмуалари ва транспорт-коммуникация тизимларини бунёд этилаётганига гувоҳ бўлганмиз. Бизнинг аксарият мижозларимиз Ўзбекистон бўйлаб сафардан ёрқин таассуротлар билан қайтаётгани, кўрсатилган хизматлар учун мамнуният билдираётгани бежиз эмас, албатта.

— Кўплаб сайёҳлар жаҳонга «Шарқ дурдоналари» номи билан танилган Ўзбекистоннинг улугвор шаҳарларидаги тарихий-мезморий ёдгорликларини ўз кўзлари билан кўришни орзу қилишади, — дейди «Inexco Voyages» компаниясининг тижорат ишлари директори Раул Дебест. — Ўз навбатида, Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик, толерантлик ва миллатлараро тотувлик ҳукм сураётгани, шунингдек, ўзбек халқига хос бўлган очикқўнглилик ва самимий меҳмондўстлик учун ҳар бир меҳмон қалбига хис қилаётгани хорижий сайёҳлар оқимининг янада кўпайишига имкон бераётган муҳим омиллардан бўлаётган.

«Топ Реза» павильони бош директори Винсента Фукенинг фикр билдиришича, Ўзбекистон эрксозицияси кўرғазманинг энг ёрқин қисмларидан бири бўлди. — Биз тадбиримизда Франция бозоридики қизгин фаолиятдан далолат берувчи кўп сонли ўзбек сайёҳлик агентликлари ва компанияларини кўришдан мамнун бўлдик, — деди В. Фуке. Кўрғазма доирасида ихтисослашган семинарлар, тренинглар, компаниялар тақдимотлари бўлиб ўтди. «Рояль Барриер» меҳмонхонасида ташкил этилган Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тақдими мазкур халқаро анжуманининг ёрқин воқеаларидан бири бўлди. Унда Франция ишбилармон ва жамоат доиралари вакиллари, ушбу мамлакат ҳамда бошқа хорижий сайёҳлик компаниялари ходимлари иштирок этишди. Тақдирот маросимида мамла-

катимиз вакиллари республика-мизда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришлар, сайёҳлик тузилмаларини ривожлантириш, республикага хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ва хорижий сайёҳлик компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бо-расида ҳуқумат томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли саёй-ҳаракатлар тўғрисида тадбир қатнашчиларига атрафлича маълумот беришди.

Тадбирда франциялик сайёҳ-ларнинг кўна маданиятимиз ва аъналаримиз билан танишиш-га бўлган, тобора ўсиб бораёт-ган қизиқишларини қондириш мақсадида «Париж — Урганч» янги ҳаво қатнови йўналиши очилганлиги маълум қилинди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбеки-стонга ҳар йили ташриф буюра-

ётган хорижий сайёҳлар сони бўйича Европа мамлакатлари орасида Франция етакчи мав-қени эгаллайди. Унинг бу бора-даги кўрсаткичи изчил равиш-да ўсиб бормоқда. Хусусан, жорй йилнинг саккиз ойи мобай-нида Франциядан Ўзбекистон-га келган сайёҳлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан учдан бир баробарга кўпайди.

Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, «Топ Реза» кўрғазма-си етакчи чет эл сайёҳлик ком-панияларининг Ўзбекистонда ўз бизнесини ривожлантиришга катта қизиқиш билдираётгани-ни яна бир бор кўрсатди. Анжу-ман якунида Ўзро ҳамкорлик юзасидан имзоланган шартно-малар бундан далолат беради.

Мардон ЁҚУБОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Париж.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Конгода авиаҳалокат



Конгода «Ан-26» самолёти аҳоли яшайдиган ҳудудга қулаб тушиши оқибатида 38 киши ҳалок бўлди, яна 30 киши турли даражада жароҳатланди, дея хабар беради «France Presse» ахборот агентлиги.

Сўнгги маълумотларга қараганда, қурбон бўлганларнинг 23 нафари самолёт йўловчиларидир.

Манбада ҳалокатга учраган «Ан-26» маҳаллий «Африка-1» авиакомпаниясига қарашли экани айтилган. Ҳозирда махсус комиссия фожиа сабабларини ўрганмоқда.

Суд тасдиқлаган бўлса-да...

Швеция ҳукумати асли келиб чиқishi чеченистонлик бўлган Магомед Успаевни Россияга экстрадация қилмаслик тўғрисида қарор чиқарди.

У 1999 йилда «ИТАР-ТАСС» фотомухбири Владимир Яшинни гаровга олиш ва ўлдиришда гумон қилинмоқда. Айни пайтда Успаев Швецияда Маги Захриев номи билан яшириниб юрибди. Швеция Адлия вазирлигининг вакили Анн-Мари Грөөн Захриевнинг ушбу қотиликка ҳеч қандай алоқаси йўқлигини билдириди.

Қизғин шундаки, мамлакат Олий суди Маги Захриев ҳақиқатан ҳам қидирувдаги Магомед Успаев эканлигини тасдиқлаган ва уни Россияга топширишга ҳеч қандай қонуний тўсиқ йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилган. Бироқ Швеция қонунчилигига кўра, экстрадация масаласида охириги сўзни мамлакат ҳукумати айтади.

Фирма фаолияти текширилади

АҚШ давлат департаменти билан шартнома асосида Ироқда фаолият кўрсатаётган Американинг «Blackwater» хусусий қўриқлаш фирмаси ҳодимлари 2005 йилдан бундан 195 та отишмада иштирок этди.

Яқинда фирма фаолияти АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатасида муҳокама қилинди. Ҳисоботда айтилишича, 80 фоиз тўқнашуларда қўриқчилар биринчи бўлиб ўқ отишган. Натияжада, 16 нафар фуқаро ҳалок бўлган. «The New York Times» газетаси хабарига айтилишича, фирма ўз фаолияти давомида икки кишининг ўлими учун 20 миң доллар жарима ҳам тўлаган. Бундан ташқари, «Blackwater» Ироқда ноқонуний равишда қурол олиб кирганида ҳам айбон бўлган. Қуни кеча «Blackwater» фаолиятини ўрганиш учун мамлакат махсус хизмати вакиллари Бағдогда келишди.

Қидирувда бўлганлар ҳам бор...

Испаниянинг Сегура шаҳрида ЭТА айирмачи гуруҳининг асосий қаноти ҳисобланган, фаолияти тақиқланган «Батасуна» партиясининг 22 нафар аъзоси қўлга олинди. Мамлакат полицияси вакилининг айтишича, партия фаоллари мазкур шаҳарда «Батасуна» кенгашининг сўнгги йилларда қамоққа олинган аъзолари ўрнига янгиларини сайлаш учун йиғилишган экан.

Маҳаллий матбуот хабарларида айтилишича, қўлга олинганлар орасида нафақат қидирувда бўлган айирмачилар, балки ҳуқуқ-тартибот идоралари шубҳаланмаган шахслар ҳам бор.

Истеъмолни камайтириш эвазига

Россиянинг «Газпром» концерни матбуот хизмати вакилининг билдиришича, Украина шу йилнинг 1 октябрдан табиий газ истеъмолини камайтира бошлади.

Украина бош вазири ўринбосари Николай Азаров киши маъсум учун захирада 32 миллиард кубометр газ жамғарилгани ва шу сабаб четдан мазкур ёнилғи турини сотиб олиш ҳажми қисқартирилганини таъкидлади. Айни пайтда «Газпром» Украинадан жорий йилнинг 1 ноябрга қадар қарзларни тўлашни талаб қилмоқда. Ҳозирда Украина компаниядан 1,3 миллиард доллар қарз.

Аэропортлар сони ортади

Саудия Арабистони ҳукумати мамлакатда янги бешта аэропорт қуриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Улар учун жами беш миллиард доллар сарфланиши кўтилапти. Айни пайтда Нидерландия, Сингапур, Туркия, Германия ва Франция компаниялари мазкур қурилишда иштирок этиш юзасидан тақдир билинишни кўтиляпти. Айни пайтда декабрь ойида фойдаланишга топширилиши керак.

Почтачилар норози


Буюк Британияда Кирослик почтаси ходимлари оммавий иш ташлаш эълон қилишди. Улар почта компанияси томонидан режалаштирилган иш ўринлари қисқартирилишига қарши норозилик билдиришмоқда. Ходимлар ўзларининг талаблари бажарилмагунча иш ташлаш давом этишини маълум қилишган. Бундан ташқари, почтачилар мамлакат аҳолисига мурожаат этиб, яқин кунлар ичида ҳат икмига хат жўнатмасликларини сўрашди.

Учун икки кун давомида 130 миң нафар ходим ўз иш жойларига чиқмади.

5 миллион долларга сотилган танга

1884 йилда зарб этилган 10 долларлик олтин танга Нью-Йоркдаги кинишди савдосида 5 миллион долларга сотилди. «Albanese Rare Coins» кинишди савдоси уйи вакилининг билдиришича, ҳозирда бундай тангаларнинг фақат тўрт донаси сақланиб қолган. Манбада танга ким томонидан сотиб олингани айтилмаган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



— Ҳар нарсанинг меъёри бўлгани каби, асал истеъмол қилишнинг ҳам ўлчами бор, — дейди Пулат ака. — Уртача вазндаги одам бир кунда 40-50 грамм асал тановул қилса kifoya. Болаларга эса уни илик сўвда эритиб, ширинлигини камайтириб бериш маъқул бўлади.

Кимё-биология фани ўқитувчиси бўлган Пулат Муродов ўтган асрнинг 70-йилларида Қизилтепа туманида асаларичиликни ривожлантириш имкониятларини ўрганаркан, шу ишга қизиқиб қолган эди.

— Аслида асаларичилик етти хазинанинг бири ҳисобланади, — дея сўхбатни давом эттирди у. — Ер танламайди, алоҳида экинзорлар ташкил этишни тақозо қилмайди. Озгина эътибор, ти-

нимсиз меҳнат туфайли унинг хосиятли маҳсулотларидан манфаат топиш мумкин. Қизилтепада асалари боқадиганлар оз эмас. Уларнинг сай-ҳаракатлари натижасида мўл ҳосил олиш яхши йўлга қўйилди. Энди қимматли дорилар тайёрлашга керакли бўлган гул чанги, сути ва асалари захри сотилишини ҳам ўзлаштирсак, хайрли ишни амалга оширган бўлардик...

Сўхбатга унинг шогирди Улғубек Муродов қўшилди.

— Бир йил муқаддам Навоий вилоятида асаларичилик уюшмаси ташкил этилган айни мўддада бўлди, — дейди у. — Шу уюшманинг шарофати туфайли бугунги кунда Навоий шаҳридаги марказий деҳқон бозорига асаларичилар учун дўкон иш-

кулай об-ҳаво шароитидан фойдаланиб, ҳар бир асалари оиласидан 35-40 килограммдан асал йиғиб олишди. Бу вилот шароитида энг яхши натижа ҳисобланади. Лекин биз эришяётган ютуқларимиз билан чекланаётган-

интернет сайтларидан фойдаланиб, хориж давлатлари тажрибасини ўзимизнинг ишимиз билан таққослаб бораман. Кўп йиллик кузатишларимни жамлаб, «Асал ва табобат» номли китоб ёзишни мўжлазлаб турибман. Асал ширин

Асаларичиликнинг ўғиллари Азамат ва Сарвар ҳам ота изидан бормоқдалар.

— Бахтларини берсин! — дейди Пулат Муродов фарзандлари ҳақида сўз юритаркан. — Ўзлари изланиб, ишларини ўнглаб боришяпти. Бундан хурсандман. Касбига гард юқтирмай, ҳалол ишлаганини ошиги ҳамиша олчи бўлган, ахир.

Қизилтепада бундай фидойи, ўз ишининг ҳадисини олган асаларичилар кўпчиликини ташкил этади. Мансур Осмонов, Маҳмуд Қиличев, Дилмурод Муҳаммедов, Одил Қораев, Умид Муродов, Фафур Бўронов қабилар шулар сирасига кириди.

— Ҳукуматимиз асаларичиликни ривожлантиришга катта аҳамият берапти, — дейди ёш асаларичи Сарвар Муродов. — Чунки бу тармоқни ривожлантириш учун бизда барча имкониятлар мўжай. Жорий йилда асаларичиликни қўшартириш, Нурота, Қизилтепа, Қоровулбозор кенгликларига парваршиллаб, яхши натижага эришдик.

ТАНГА ҚУВВАТ, ДАРДГА ДАВО

лаб турибди. Бу ердан улар ўзларига зарур бўлган асбоб-ускуналарни харид қилмоқдалар.

Уюшма аъзолари — 150 дан зиёд асаларичилар эса тоза, сифатли маҳсулот би-

нимиз йўқ. Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон мамлакатлари асаларичилари билан тақриба алмашиб йўлга қўйилди. Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилотларида бўлиб



бўлгани билан унинг меҳнати мураккаб. Асаларичилар биз янтоқзор, бедазорлар оралаб, қаерда қандай ширали гул ўсишини ҳисобга олиб, қўчириб боқамиз.

Хў, Навоий вилоти асаларичилари ҳамжиҳатлик билан иш юритиб, асалимиз шухратини дунё миқёсида ёйишни кўзламоқдалар.

Бу эзгу ният ушалаверсин, илоҳим.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Асаларичилик

лан бозорлар пештахталарини тўлдирмоқдалар.

— Олдимизга асални экспортга чиқаришни мақсад қилиб қўйганимиз, — дея сўзини давом эттирди у. — Ҳозир асаларичилигимиз шу йўналишда иш олиб боришяпти. Айниқса, бу борада Қизилтепа туманида дадил қадамлар қўйилмоқда. Бу ерда олти миңтага асалари оиласи мавжуд. Илгор асаларичилар жорий йилнинг

Ўзимизда етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишлаб, уни тайёр маҳсулотга айлантириш, пировардида, мамлакатимизга кўпроқ валюта тушуimini олиб келиш бўйича Хоразм вилотида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Биргина жорий йилнинг олти ойи мобайнида воҳанинг кўзга кўринган олти таъминчилик корхонаси томонидан 6 миллион 231 миң 700 АҚШ долларлик калава ип ва ярим тайёр маҳсулотлар хорижий давлатларга экспорт қилингани, бу кўрсаткич йил охиригача янада ортиши кўтилаётгани бунинг ёрқин исботидир.

«Hazorasp-textil»: АСОСИЙ ЭЪТИБОР — ЭКСПОРТГА

Бу жараёнда Ҳазорасп туманидаги «Hazorasp-textil» масъулияти чекланган жамиятининг ҳиссаси салмоқлидир. Шу йилнинг март ойида иш бошлаган мазкур корхона Европа бозорларида ўз маҳсулотлари билан рақобатта қирришишга улгурди. Шартномалар асосида россиялик истеъмолчиларга дастлабки маҳсулотлар жўнатилган бўлса, бугунги кунда таъминчилик саноати ва гилам тўқишда ишлатиладиган бир неча хил калава ип ишлаб чиқариш ҳам тўлиқ ўзлаштирилди. Айниқса, маркетинг хизмати яхши йўлга қўйилган корхонанинг қисқа муддатда йирик экспортчи сифатида ўзини намоён этишига имкон берди. Жўмладан, жами ишлаб чиқарилган 518 тонна маҳсулотнинг 415,5 тоннаси Россиянинг «Бортекс», «Капиталэнерго», «Техносиб» таъминчилик корхоналарига экспорт қилинди. Ички бозорда ҳам унинг маҳсулотлари талаб катта. Буни маҳаллий корхоналарга 88,8 миллион сўмлик маҳсулот сотилганидан ҳам билиш мумкин.

Шу мақсадда корхонада иш 4 сменада олиб боришмоқда.

Маҳсулот турларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини янада яхшилаш, жаҳон бозорига рақобатбардошлигини ошириш мақсадида модернизациялаш ишлари ҳам жадал давом эттирилмоқда. Бунинг учун 36 миң евродан ортик миқдорда маблағ ажратилган.

Корхонада, асосан, ёшлар меҳнат қилишади. Уларнинг Германиянинг замонавий ип йиғирув дастгоҳларини ишлатиш усулларини пухта ўзлаштириб олишгани сифатида маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этапти.

Хоразм воҳасидаги таъминчилик корхоналари фаолиятининг тахлили вилотда энгил саноат тобора ривожланиб бораётганилини кўрсатади. Демак, келажақда бу ерда етиштирилган пахта хом ашёсини тўлиқ қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш ва экспортга чиқариш учун муҳим пойдевор яратилаётир.

Жамоа йил охиригача 2 миллиард 757 миллион сўмлик, яъни 1286,2 тонна харидорғир калава ип ишлаб чиқаришни режалаштирган.


Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Оқтошмева» харидори кўпаймоқда

Нарпай туманидаги «Оқтошмева» корхонасининг дастлабки маҳсулотлари — томат қайласи ва мева шербатлари Россия ҳамда Украина давлатларига экспорт қилинди.

Меҳнат аҳли бу маъсумда 11 миң тонна помидор ва 500 тоннадан ортик турли хил меваларни қайта ишлаб, чет эллик мижозларга етказиб беришни режалаштирган. Ҳозирга қадар 130 тоннадан ортик маҳсулот хорижга жўнатилди.

Яқинда «Самарқанд-Динамо» футбол клуби аъзолари Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйда тарбияланаётган ўқувчилар ҳузурда бўлишди.



Самарқанд томонларда Футболчилар меҳрибонлик уйида

Дастлаб жамоа футболчиларидан Садриддин Абдуллаев ва Фахриддин Тожиёв клуб тарихи, бугунги кунда жамоада олиб борилаётган ишлар ҳақида ўқувчиларга гапириб беришди. Шундан сўнг болаларга клуб раъзи туширилган спорт кийимлари ва бошқа совғалар топширилди.

— Мурғак қалбар билан дилдан сўхбатлашиб, уларнинг кўнглига озгина кувонч олиб кирган бўлсақ, ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз, — дейди клуб бошлиғи Владимир Арақолов. — Бундан бундан мазкур Меҳрибонлик уйини доимий оталиққа оладиган бўлдик.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

КАФЕДРАЛАРДАГИ ҚУЙДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Тиллар кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи (2), ўқитувчи (2).
2. Фармация кафедраси: доцент (3).
3. Токсикологик кимё кафедраси: ассистент (2).
4. Анорганик, аналитик ва физик-коллоид кимё кафедраси: профессор (1).
5. Фармацевтик кимё кафедраси: катта ўқитувчи (2).
6. Фармация ишини ташкил қилиш кафедраси: доцент (1), катта ўқитувчи (3), ассистент (2).
7. Фармакогнозия кафедраси: ассистент (1).
8. Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси: доцент (2).
9. Ижтимоий фанлар кафедраси: доцент (1), катта ўқитувчи (2).
10. Биотехнология кафедраси: профессор (1).
11. Ботаника, физиология ва микробиология кафедраси: профессор (1), катта ўқитувчи (2), ассистент (1).
12. Дори турлари: технологияси кафедраси: катта ўқитувчи (1), ассистент (1).
13. Органик ва биологик кимё кафедраси: ассистент (1).

Танлов мўддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.

Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Телефонлар: 153-32-46, 153-38-39. Факс: 153-45-04.

REQUEST FOR PROPOSALS # RFP/005/07 FOR BANKING SERVICES

UNDP Uzbekistan

The United Nations Development Programme Office in Uzbekistan requests proposals for banking services for the benefit of the United Nations Organizations in Uzbekistan.

- Eligible banks may collect the RFP and related documents at UNDP Office in Uzbekistan located at 4, Taras Shevchenko St., Tashkent, 100029, Uzbekistan from 5 October to 15 October 2007 (the date for the closing of collection) on weekdays only between the hours of 10:00 and 17:00;
- The RFP is only open to Banks that are registered members of SWIFT. Prospective Banks are required to provide their SWIFT number when collecting the RFP;
- A Pre-Bid Conference will take place on 22 October 2007 at 11:00 hrs at UNDP Office in Uzbekistan;
- Proposals in accordance with RFP must be received no later than 11:00 hrs on 9 November 2007;
- Proposals will be evaluated in accordance with internationally accepted practices. In particular, they will be evaluated on their responsiveness to implementing the requisite banking services;
- The UN reserves the right to accept or reject, in part or whole, any or all of the proposals at anytime without assigning any reason whatsoever;
- The costs of preparing the proposals and of negotiating the contract are not reimbursable by the UN;
- Proposals must be valid for 120 days from the deadline for submission. The UN will make its best effort to select a bank within this period;
- The UN does not bind itself in anyway to select the bank offering the lowest prices.

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

2007 йил учун аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

- АРХИТЕКТУРА Йўналиши бўйича**
- 18.00.01 — Архитектура назарияси ва тарихи, ёдгорликларни таъмирлаш мутахассислиги — 1 ўрин.
 - 18.00.02 — Бино ва иншоотлар архитектураси мутахассислиги — 1 ўрин.
 - 18.00.04 — Шаҳарсозлик, туманларни режалаштириш, ландшафт архитектураси ва қишлоқ турар-жойларини режалаштириш мутахассислиги — 1 ўрин.

- ТЕХНИКА Йўналиши бўйича**
- 05.23.01 — Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар мутахассислиги — 2 та ўрин.
 - 05.23.05 — Қурилиш материаллари ва буюмлари мутахассислиги — 2 та ўрин.
 - 01.02.05 — Сувоқлик, газ ва плазма механикаси — 1 ўрин.
 - 01.02.07 — Социлувчан жисмлар, тупроқ ва тоғ жинслари механикаси — 1 ўрин.

Ҳужжатлар 2007 йил 1 октябрдан 20 октябргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 2007 йил 24 октябрдан 30 октябргача ўтказилади. Кириш имтиҳонлари танланган мутахассислик фани, фалсафа, информатика ва чет тилидан топширилади.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, илмий бўлим, 217-хона. Телефонлар: 142-11-73, 142-80-02.

Хоразм вилоти ҳўжалик судининг 2007 йил 24 сентябрдаги 22-05.05-3740-сонли иш ажрим билан «Хоразмўштротсавдо» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига нисбатан банкротлик таомилининг тугатув жараёнини давом эттирилмоқда ва тугатув жараёнини олиб бориш учун янги тугатув бошқарувчиси қилиб Я. Рўзметов тайинланган.

Кредиторлар эълон чоп этилгандан бошлаб икки ой давомида мурожаат қилишлари мумкин.

Спорт Sport Спорт Sport Спорт Sport Спорт Sport

ИРОДА,

КУБОК СИГ СРЕДИ ИНВАЛИДОВ НА ПРИЗЫ Губернатора Нижегородской области



Қуриб турганингиздек, спорт, ҳатто, жисмонан имконияти чекланган кишиларнинг ҳам иқтидорини юзага чиқара олади. Улар қалбда умид чирюғни ёқиб, ҳаётга ишонч ҳиссини оширади, нур мисоли йўлларини ёритади.

Бугунги кунда ногирон спортчиларимизнинг халқаро спорт майдонларида кўлга киритаётган муваффақиятлари салмоқли бўлмоқда. Улар мамлакатимиз шухратини дунёга ёйишда соғлом спортчилардан қолшамаган ҳолда олғи интилмоқда.

— Юртимизда жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳам жамиятимизнинг барча қатлами аъзолари каби доимий эътибор ва ҳамхўрлик қўрсатилиб келинади, — дейди Ўзбекистон Паралимпия асоциацияси раиси ўринбосари Умид

Аҳмадҷонов. — Уларни жисмоний тарбия ва спортга кенгроқ жалб этиш, республика ҳамда жаҳон миқёсидаги мусобақаларда иштирок этишларини таъминлаш мақсадида бундан тўққиз йил муқаддам Ўзбекистон Ногиронлар спорт асоциацияси ташкил этилган эди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, тегишли жағарма ва бошқа нуфузли ташкилотлар кўмағида асоциациямиз аъзоларини кўлаб-қувватлаш йўлида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, 2002 йилга келиб Ўзбекистон Ногиронлар спорт асоциацияси Халқаро Паралимпия қўмитасига аъзо бўлди. Эндиликда ногирон

Умиджон Аҳмедов, ҳадемай, йигирма тўққиз ёшга тўлади. У бундан йигирма тўрт йил муқаддам полиомиелит касаллигига қарши эмлаш муолажасида шифокорнинг хатоси туфайли ногирон бўлиб қолган. Яхшиямки, бахтига онаси Хайринисо опа ва устозлари бор экан, улар доимо ёнида бўлишди. Шу инсонларнинг меҳру кўмағи билан мактабни аъло баҳоларга битирди. Спорт билан шуғуллана бошлади. Тинимсиз машғулотлар, ўз устида мунтазам ишлаганлиги ва, албатта, мустақкам иродаси туфайли муваффақиятлар уни аста-секин йўқлай бошлади. Кейинчалик армрестлинг бўйича кўп карра жаҳон чемпиони бўлди.

МАТОНАТ, МАҲОРАТ

спортчиларимиз халқаро турнирларда фаол қатнашмоқдалар. Уларга тажрибали мураббийлар бириктирилган. Спортчиларимиз Умид Аҳмедов, Юсуф Қодиров армрестлинг, Сирожиiddин Зайниiddинов эса шахмат бўйича жаҳон чемпиони, де-

залварли ютқуларни кўлга киритиб келишмоқда.

Афина шаҳрида бўлиб ўтган (2004 йил) Паралимпия ўйинларида ҳамюртларимиз илк бор иштирок этишди. Юсуф Қодировнинг номи эса мазкур мусобақаларда қатнашган биринчи ўзбек спортчиси сифатида тарих саҳифаларидан жой олди.

Жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Ногиронлар спорт асоциацияси Адлия вазирлигидан қайта рўйхатдан ўтиб, Ўзбекистон Миллий Паралимпия асоциацияси деб номланди. Мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида унинг бўлимлари очилмоқда.

Умуман, халқаро Паралимпия ўйинлари дастурига 19 та спорт тури киритилган. Ўзбекистонлик ногирон спортчилар эса шахмат-шашка, волейбол, армрестлинг, пауэрлифтинг,

дартс, сузиш, стол тенниси, мини-футбол, камондан ва милтиқдан ўқ отиш, энгил атлетика, эркин ва юнон-рум ку-

раши, дзюдо каби спорт турлари билан шуғулланишади.

Айтиш керакки, жорий йилда ҳам ногиронлар ўртасидаги мусобақалар ранг-баранг спорт беллашувларига бой тарзда ўтказилмоқда. Айниқса, кейинги пайтда энгил ташкил этилган ўнга яқин спорт тури мусобақалар жадвалини бойитди. Эслатиб ўтамиз, келаси йили Пекинда бўлиб ўтадиган Паралимпия ўйинларида қатнашадиган спортчилар айни пайтда саралаш мусобақаларида иштирок этмоқдалар. Умид қиламизки, бўлиб ўтадиган ушбу олимпия ўйинларида спортчиларимиз юксак марраларни забт этиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладилар.

Эъдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2007 йил — ИЖТИМОЙ ХИМОЯ йили

ган шарафли номга сазовор бўлишди. Қолаверса, юнон-рум кураши бўйича икки карра дефлиппия чемпиони (карлар олимпиадаси) Пўлат Жўраев, бронза медал соҳиб Қобил Умбобов, шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида Осий чемпиони Алишер Анаркуловлар жаҳон миқёсида

«Ёш ботир»лик болалар қувончи

Олот туманидаги «Ёш ботир» маҳалла фуқаролар йиғини болажонлари учун кўркамгина спорт майдончаси барпо этилди.

Натижада, йиғин ёшларига спортнинг энгил атлетика, волейбол, футбол турлари билан шуғулланиш учун имконият яратилди. Спорт майдончаси қурилишида эса «Маҳалла» хайрия жағмармаси вилоят бўлимининг ҳиссаси катта бўлди.

Айтиш жоизки, ҳозир вилоятдаги 12 та маҳаллада болалар спорт майдончалари қуриляпти, мавжуд еттидасида эса таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб боришмоқда. Бу юмушларга хайрия жағмармаси тизими орқали қирқ тўққиз миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилган.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Футбол бўйича МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоги халқаро турнирининг навбатдагиси жорий йил Москвада эмас, Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтади.

Чемпионлар кубоги Санкт-Петербургда ўтади

Сабаби, январь ойида Москвада чм устида жокэй бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. «Олимпийский» спорт мажмуаси ҳам ана шу мусобақалар билан банд бўлади.

Аънавий XVI халқаро турнир ке-

ласи йилнинг 19-27 январь кунлари СКК «Петербург» ва «Зенит» спорт саройларида ташкиллаштирилади.

Эслатиб ўтамиз, МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоғининг амалдаги соҳиб Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ҳисобланади.

ШИШАНИНГ КАСОФАТИ

Қораўзақлик Г. Ақназарова туман деҳқон бозорига кулпа-кундуз қуни бир ярим литр этил спирти ва 33 шиша кўлбола «обизамзам»ни олиб чиқди. Тез орада харидор ҳам тоғилди: шу ерлик Р. Сейитназаров мақтовлардан мумдай эриб, барчасини сотиб олди. Бу икки фуқаро деҳқон бозори бедарвоза деб ўйлашган эди. Чуварани хом санашган экан. Туман ички ишлар бўлими ва солиқ инспекциясининг тезкор вакиллари бозорда ҳозир бўлидилар. Г. Ақназарова ўз уйида кўлбола «Қоратов» борлигини яшириб ҳам ўтирмади, пировардида, сохта ишбилармоннинг уйидаги 100 шиша арақ ва этил спирти ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.



Қонун барчага баробар

бўлими ҳам хушёр экан: бирпасда сохта тадбиркорнинг гирибонидан ушлашди. Хулласи қалом, К. Сейитимов арақнинг аччиқ эканини ҳеч қачон унутмайдиган бўлди.

Ерпўлат КАИПБЕРГЕНОВ, Қораўзақ тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Фуқаро Г. Ақназарова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қўрсатилган жиноий ҳаракатларни содир этганлиги учун бир йиллик ахлоқ тазатиш ишига жалб этилди. Тегишли жарима микдори белгилаб берилди. Тўғри, бир йил кўз очиб-юмгунча ўтиб кетар, жарималар тўланар. Аммо 29

яшар навнихол аёлнинг эл олдида ози шувут бўлганига 30 шиша ароқдан қолган «нақд фойда» арзийдими? Асло!

Фуқаро К. Сейитимов 248 шиша қалбаки «Қоратов» аранини Нукус деҳқон бозоридан нотаниш кимсадан харид қилди-да, ўйлаиб қолди: «Буларни қаерда пулласам экан?

Drive your way

Тел.: 250-11-11, 250-69-99. Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертификатланган.

HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

Гёте институтининг пойтахтдаги филиали янги бинога кўчиб ўтди. Маълумки, бу институт Германия Федератив Республикасининг нуфузли маданият муассасаларидан бири ҳисобланади.

Гёте институтининг янги биноси

Унинг бўлимлари дунёнинг 79 мамлакатида фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда эса институт филиали тўққиз йилдан буён иш олиб бораётир.

Мазкур ташкилотнинг асосий мақсади немис тили ва маданиятини хорижда таъиниш, халқаро маданий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашишдир. Айтиш мумкинки, Гёте институтининг Тошкент филиали икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни мустақамлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, бу ташкилот юртимиздаги тасвирий санъат, фотография, кино, архитектура ва дизайн, театр ҳамда рақс санъати даргоҳлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган.

— Юртингиз Марказий Осий минтақасида тарихи ва маданияти энг бой мамлакат ҳисобланади, — дейди Гёте институтининг Мюнхендаги офиси бош қотиби Ханс Георг Кнопф. — Шу боис ҳам, айниқса, ёшлар икки давлат ўртасидаги халқаро алоқалар ва маданият борасидаги аниқликлардан бохабар бўлишдан ҳар икки томон ҳам манфаатдордир. Келгусида институтимизнинг янги биноси муҳим маданий ўчоқ сифатида кўлаб ёшларни ўз бағрига қорлайди, деган умиддаман.

Муборак ОХУНОВА.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бююртма Г — 956. 23333 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ЁАЖ

нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Республика Кўчмас мулк биржаси томонидан:

Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 08.08.2006 йилдаги 10-643-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгийўл шаҳар, Низомий кўчаси, 16-уй ва Сирдарё шаҳрида жойлашган бино-иншоотлари ҳамда асбоб-ускуналари.

Бошлангич баҳоси — 1 674 582 520 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 30 октябрь ва 6, 13, 20, 27 ноябрь кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов хўжатига ижро хўжжати рақами ва санасини қўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтохур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ҳазратов кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-84-48.

II. РКМБ Андижон вилояти филиали томонидан:

Андижон вилояти, Андижон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2005 йил 30 ноябрдаги 17-0502-4498-сонли суд бўйруғига асосан хатланган, Қўрғонтепа тумани марказий шифохонаси ҳудудида жойлашган, 150-ўринли қурилиши тугалланмаган шифохона бино-қурилмалари:

- А-литердаги қурилиши тугалланмаган 2 қаватли бино ертўласи билан, қурилиш майдони — 1352 кв. м.;
 - Б-литердаги фундамент блок, қурилиш майдони — 240,64 кв. м.;
 - В-литердаги фундамент блок, қурилиш майдони — 309,76 кв. м.;
 - Г-литердаги қурилиши тугалланмаган 1 қаватли бино ертўласи билан, қурилиш майдони — 313,1 кв. м.;
 - Д-литердаги қурилиши тугалланмаган 2 қаватли бино ертўласи билан, қурилиш майдони — 320,0 кв. м.
- Бошлангич баҳоси — 33 286 217 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 18, 25 октябрь ва 1, 8, 15 ноябрь кунлари соат 11.00 да ушбу мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асакабанк» Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 30-уй, Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават. Телефонлар: 224-48-53, 224-37-86, 224-36-88.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли хўжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004

«ТУРОН БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Банк акциялари эмиссияси проспектига (07.05.1996 йилдаги №РО 496-сонли биринчи эмиссия, 14.08.1997 йилдаги №РО 496-2-сонли иккинчи эмиссия, 01.02.1999 йилдаги №РО 496-3-сонли учинчи эмиссия, 12.08.2002 йилдаги №РО 496-4-сонли тўртинчи эмиссия, 15.02.2005 йилдаги №РО 496-5-сонли бешинчи эмиссия, 06.11.2006 йилдаги №РО 496-6-сонли олтинчи эмиссия, 23.04.2007 йилдаги №РО 496-7-сонли еттинчи эмиссия) киритилаётган ўзгаришларнинг 28.09.2007 йилда №15-07/06-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтганлиги муносабати билан банкнинг нақд кўринишдаги акциялари нақдсиз кўринишга ўтказилади.

АТ «Турон Банк» нақдсиз акциялари ҳисобини юритиш ва сертификат бериш «Birinch Banklarо Depositariy» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилади.

«Турон банк» барча акциядорларидан — нақд (қоғоз кўринишидаги) акция эгаларидан акцияларни нақдсиз акцияларга ўзгартириш учун банкнинг ҳудудий филиалларига ёки бош офисга мурожаат этишингизни сўраймиз. Аввал тарқатилган ва нақдсиз акцияларга ўзгартирилмай қолган нақд акциялар ҳамда уларнинг сертификатлари муомалалга яроқсиз деб ҳисобланади.

Бош офис манзили: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-«А» уй. (Мўлжал: метронинг Алишер Навоий бекати). Маълумот учун телефонлар: 144-25-81, 136-11-64, 700-55-55.

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Газсерайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳуаудидидаги расмий вақили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, sanoat моллари каторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесилган жойда (Мўлжал: Шастри хайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Газета таҳририят компьютер марказида термид хамда операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — А. Хайдаров. Навбатчи — С. Раҳимов. Мусахҳах — Ҳ. Тошқўзаев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА яқини — 23.50 Топширилди — 01.15 2 3 4 5 6